

ТУГИЛГАНЛИКНИ КАЙД ЭТИШ

- Боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, бола туғилган жойдаги ёки ота-онасидан бирининг доимий яшаш жойидаги ФХДЁ органида амалга оширилиши лозим.

- Туғилганлик ҳақидаги ариза бола туғилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида берилиши зарур.

-Туғилганликни қайд этиш учун:

тиббиёт муассасасининг бола туғилганлиги тўғрисидаги тиббий маълумотномаси, ота-оналарининг паспортлари ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гербли гувоҳнома ёки оталикни белгилаш ҳақидаги ариза ёхуд никоҳда бўлмаган онанинг аризаси тақдим этилади.

Маълумотнома тиббиёт муассасаси мансабдор шахси томонидан имзоланади ва гербли муҳри билан тасдиқланади.

Боланинг насл-насаби хусусидаги барча низолар суд тартибида ҳал қилинади.

-Туғилишни қайд этишнинг барча ҳолларида бола туғилган маъмурий ҳудуд унинг туғилган жойи сифатида ёзилади.